



## Савол:

Ассалому алайкум раҳматулоҳу баракатух. Оламни яратган Оллоҳга хамдлар пайғамбаримиз: Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва салламга дуру саловатлар саломларим бўлсин. жавобингиз учун олдиндан раҳмат. Оллоҳ рози бўлсин. маҳаламизда 85 ёшдаги онахонимиз бор улар тиббиёт даволашга ожиз бўлган кўпгина кассаларга бир неча маротаба «ЁСИН» сурасини ўқиб дам солганларида улар тузалиб кетишган. Кекса Онахонимиз ҳақида фикрингизни билишни хоҳлайман. оллоҳ рози бўлсин. Рустамхўжа Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу

## Жавоб:

Бисмиллаҳ вассолату вассаламу ала расулиллаҳ. «Қуръон Карим шифо эканида шак-шубҳа йўқ. Аллоҳ таоло деди: Айтинг: «(Ушбу Қуръон) иймон келтирган зотлар учун ҳидоят ва шифодир. Фуссилат: 44. Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қилурмиз. Исро: 82. Яъни Қуръоннинг ҳаммаси шифодир. Қуръондан баъзи оятларни ёки ҳаммасини ўқиса бўлаверади. Лекин, Фотиҳа, Оятал-курси, Ихлос ва икки Қул азузу сураларини ўқиш муҳимроқ. Чунки, булар асосан касалларга ўқилади.» Шайх Ибн Боз фатволаридан олинди. Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларидан бир неча нафари сафарда эканларида араб қабилаларидан бирига тушдилар ва улардан ўзларини меҳмон қилишларини сўраганларида улар меҳмон қилишдан бош тортишди. Шу орада ўша қабиланинг саййидини (илон ё чаён) чақиб олди. Улар (уни даволаш учун) ҳамма нарсани қилишди, бироқ фойдаси бўлмади. Шунда баъзилари: «Қўноқ бўлиб тушган анави қавмга бориб сўраб





Ислом Нури

Қуръон тузалмас касалликларга шифо | 3

беришини тилайман.